

«Капиталбанк» АТБ да юридик шахслар
ва якка тартибдаги тадбиркорларга
Комплекс банк хизматлари кўрсатиш
бўйича Келишувга
20-Илова

«МУСТАҚИЛ ИНКАССАЦИЯ» ХИЗМАТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

I. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Мазкур «Мустақил инкассация» хизматини тақдим этиш Тартибида (бундан кейин Тартиб) қуйидаги атама ва таърифлар қўлланилади:

Банк ҳисобварағи – банк томонидан шартномага мувофиқ мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра банк мижознинг ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш мажбуриятини зиммасига олади;

Мустақил инкассация коди – Мижоз томонидан нақд пул маблағларини Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмаларига киритилиши учун Банк томонидан ҳар бир Мижоз учун алоҳида бириктириладиган рақамли код бўлиб, операцияни амалга ошириш вақтида Мижозни идентификация қилиш учун хизмат қилади;

Клиент – Банк билан «Мустақил инкассация» хизматини кўрсатиш тартибини ўрнатовчи шартномани тузган юридик шахс/якка тартибдаги тадбиркор;

Тартиб – “Мустақил инкассация” (Банк Банкоматлари орқали нақд пул маблағларини киритиш) хизматини тақдим этиш бўйича мазкур Тартиб;

Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмаси – Мижознинг нақд пул маблағларини қабул қилишга мўлжалланган, Cash-in функциясига эга бўлган қурилма;

Мустақил инкассация – Банк банкоматлари орқали нақд пул маблағларини Мижознинг Банк ҳисобварағига киритиш (кирим қилиш) бўйича хизмат;

МБХТ – Телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда Мижоз томонидан масофавий бериладиган (олинадиган) топшириқлар асосида тақдим этиладиган Банк хизматлари мажмуи (комплекси);

Кирим символи – Банк ҳисобварағига кирим қилиниши лозим бўлган пул маблағларининг мақсадига мувофиқ тақсимланган касса символлари;

Электрон рақамли имзо (ЭРИ) – электрон ҳужжатдаги ахборот бузиб кўрсатилмаётганлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган электрон ҳужжат реквизити. Реквизит қиймати (натижаси) ахборотни ёпиқ ЭРИ калитидан фойдаланган ҳолда криптографик қайта шакллантириш натижасида олинади.

1.2. Мазкур Тартибда қўлланиладиган бошқа атама ва таърифлар Келишувда қўлланиладиган маъно билан бир хил маънога эга.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб Мижоз томонидан имзоланган услуги «Мустақил инкассация» хизматини тақдим этиш шартларига қўшилиш бўйича Аризага (1-сон Илова) асосан кучга киради ва Томонлар учун мажбурий тус олади.

2.2. Мазкур Тартиб, Келишув, Банк Тарифлари ва Ариза биргаликда «Мустақил инкассация» хизматини тақдим этиш шартномаси (бундан кейин – “Шартнома”) бўлиб ҳисобланади.

2.3. Мазкур Тартиб «Капиталбанк» АТБ Ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари орқали пул маблағларини киритиш, ушбу хизматни улаш ва уни ўчириш тартибини белгилаб беради.

III. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

3.1. Банк, мазкур Шартнома шартларига мувофиқ, Мижоз томонидан ушбу Шартномада назарда тутилган тартибда Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмаларига Мустақил инкассация кодидан фойдаланган ҳолда киритилган пул маблағларини унинг Банк ҳисобварағига кирим қилиш бўйича хизматлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

3.2. Накд пул маблағларининг Ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари орқали киритилиши, Мижоз томонидан товарларни реализация қилиш (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) бўйича асосий фаолиятдан келиб тушаётган нақд тушумни Банк ҳисобварағига кирим қилиш мақсадларида амалга оширилади.

3.3. Накд пул маблағларининг қуйида келтирилган касса кирим символларидан фақат биттаси бўйича кирим қилинишига йўл қўйилади (Мижоз томонидан операцияни амалга ошириш пайтида мустақил белгиланади):

Кирим символ коди	Тўлов мақсади
Мижоз – юридик шахс учун:	
02 00	Истеъмол товарлари реализация бўйича тушумлар
04 00	Умумий овқатланиш корхоналаридан тушумлар
05 01	Авиабилетлар реализациядан тушумлар
05 02	Темирйўл билетлари реализациядан тушумлар
07 01	Телефон хизматларидан тушумлар
09 00	Томоша ташкилотларидан тушумлар
11 00	Маиший хизмат, медицина ва бошқа хизматлар соҳаларидан тушумлар
11 01	Маиший ва бошқа хизматлар соҳаларидан тушумлар
11 02	Тиббиет (медицина) ва соғломлаштириш соҳаларидан тушумлар
14 00	Муқобил хизматни ўташ, мактаблар, ўқув муассасалари ва пулли курсларда таълим учун тушумлар
32 00	Бошқа тушумлар
Мижоз – якка тартибдаги тадбиркор учун:	
01 00	Якка тартибдаги тадбиркорлар савдо тушуми
32 00	Бошқа тушумлар

3.4. Операциялар бўйича лимит ва чекловлар Банк томонидан ўрнатилади ва бир тарафлашма ўзгартирилиши мумкин. Мижоз лимитлар ўзгаришини мустақил кузатиб бориши ва операцияларни амалга оширишда уларга риоя этишга мажбур.

ЛИМИТЛАР ВА ЧЕКЛОВЛАР	
Битта операциянинг максимал суммаси	50 000.00 (Эллик минг) сўм
Бир кунлик максимал сумма	10 000 000.00 (Ўн миллион) сўм
Бир ойлик максимал сумма	160 000 000.00 (Бир юз олтмиш миллион) сўм
Битта операция учун купюраларнинг максимал сони	200 та купюра

IV. ЎЗИГА ЎЗИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИГА КИРИТИЛГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ КИРИМ ҚИЛИНИШИ ТАРТИБИ

4.1. Накд пул маблағларини Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари орқали киритиш Мижоз ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш Қурилмаси экранда Инкассация кодини киритгандан ва ушбу муваффақиятли текширилгандан сўнг амалга оширилади.

4.2. Мижоз ўзига хос (уникал) Мустақил инкассация кодини МБХТда Мустақил инкассация хизматини тақдим этиш шартларига қўшилиш бўйича Аризани ЭРИ ёрдамида имзолаганидан сўнг олади.

4.3. Мижозга Мустақил инкассация коди ҳақидаги маълумотни ошкор этиш, шу жумладан уни бошқаларга бериш тақиқланади.

4.4. Мижоз томонидан Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмаси орқали нақд пул маблағларини киритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм банкнотларида амалга оширилади.

4.5. Накд пул маблағлари Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмасига киритилганидан сўнг, Мижозга нақд пул маблағлари Банк ҳисобварағига кирим қилиш бўйича операция амалга оширилганлигини тасдиқловчи маълумот чеки берилади. Чекада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- операция амалга оширилган Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмаси рақами;
- операция амалга оширилган сана ва вақт;
- Тўлов рақами;
- Мустақил инкассация коди;
- Операция тури;
- Операциянинг номи ва касса симболи;
- киритилган нақд пул маблағларининг суммаси;
- Мижознинг номи, СТИР;
- филиалнинг МФО коди ва Мижознинг банк ҳисобварағи.

4.6. Накд пул маблағлари Банк ҳисобварағига реал вақт режимида кирим қилинади. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмасида техник носозлик юзага келган тақдирда, ушбу бандда кўрсатилган муддат Банк томонидан текширув ўтказиш ва қарор қабул қилиш муддатига узайтирилиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Банкнинг мажбуриятлари:

5.1.1. Мазкур Шартнома доирасида пул маблағларини, ушбу нақд пул маблағлари Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмасига киритилганидан кундан кейинги иш кунидан кечикмасдан Мижознинг Банк ҳисобварағига кирим қилиш;

5.1.2. Қўшилиш шартномаси ва шартлар, ҳамда амалдаги қонунчилик билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларга риоя қилиш.

5.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.2.1. Банкнинг Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмаси орқали нақд пул маблағларини кирим қилиш бўйича операциялар суммаси ва миқдорида лимитлар ўрнатиш. Амалдаги лимитлар ҳақидаги маълумотлар Банкнинг расмий сайтига жойлаштирилади.

5.2.2. Хизмат кўрсатилишини Банкдаги Банк ҳисобварағи ёпилган/Мижоз хизматни ўчирган ҳолатда тўхтатиш ёки тўхтатиб туриш;

5.2.3. Ўзгаришлар кучга киришидан камида 10 (ўн) кун аввал Банкнинг www.kapitalbank.uz расмий сайтида ахборот жойлаштириш йўли орқали мазкур Тартиб Шартларига бир тарафлама тартибда ўзгартиришлар киритиш.

5.2.4. Операция жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида фойдаланилаётганлиги тўғрисида Банкда шубҳа (гумон) юзага келганда, шу жумладан Мижоз томонидан шубҳали ва/ёки гумонли

операциялар амалга оширилганлиги аниқланганда, пул маблағларини Банк ҳисобварағига қабул қилиш ва/ёки қирим қилиш (ҳисобга олиш)ни рад этиш.

5.3. Мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга:

5.3.1. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари орқали «Мустақил инкассация»хизматидан фойдаланишда Фойдаланувчи йўриқномасида кўрсатилган қоидаларга риоя қилиш;

5.3.2. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари билан ишлаш бўйича Мустақил инкассация кодини ваколатли бўлмаган шахсларга бермаслик;

5.3.3. Мижознинг ҳисобварағига хато қирим қилинган пул маблағлари (суммалар) тўғрисида, Банкдан пул маблағлари Мижознинг Банк ҳисобварағига қирим қилинганлиги тўғрисида маълумот олинган кундан кейинги бир иш кунидан кечикмасдан Банкка хабар бериш;

5.3.4. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмасига киритилган пул маблағлари суммаси ва Банк ҳисобварағига қирим қилинган сумма ўртасида тафовут (фарқ) мавжуд ҳолатда ёки қирим бўйича касса симболи хато танланганда, Мижоз операция амалга оширилганидан кейинги 10 (ўн) календар кун мобайнида операция бўйича норозилиги бўйича Тартибнинг 4-иловасидаги шакл асосида ариза юборади.

5.3.5. Банк реквизитлари ўзгарганда, шунингдек мазкур Шартнома бажарилишига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ўзгаришлар рўй берганда, бу ҳақда Банкка хабар бериш;

5.3.6. Қўшилиш шартномаси ва шартлар, ҳамда амалдаги қонунчилик билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларга риоя қилиш.

5.4. Мижознинг ҳуқуқлари:

5.3.7. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмаси орқали Банк ҳисобварағига пул маблағларини қирим қилиш бўйича амалга оширилганидан кейинги 10 (ўн) календар кун мобайнида Банкка операциялар бўйича ўз эътирозларини юбориш;

5.3.8. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар мавжуд бўлмаганида, ушбу Шартномани бажаришдан воз кечиш (Шартномани бекор қилиш), амалдаги банкларда ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш тартиби ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганида, мазкур Тартибнинг 7.1. бандига мувофиқ, Шартнома бекор қилишнинг режалаштирилган санасидан камида 1 (бир) кун аввал Банкни ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмасидаги носозликлар (узилишлар) ёки Мижознинг нотўғри ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда пул маблағларининг Мижоз Банк ҳисобварағига ўз муддатида қирим қилинмаслиги, техник воситалар ишлашидаги носозликлар, тизим ишида қўлланиладиган алоқа каналларидаги авариялар, электр таъминотидаги узиллишлар каби Банк айби билан рўй бермаган ҳолатларда ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги узиллишлар учун Банк жавобгарликка эга бўлмайди;

6.2. Мижоз Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмасида Мустақил инкассация кодини киритган ҳолда амалга ошириладиган барча операциялар учун жавобгарликка эга.

6.3. Мижоз мазкур Қоидалар билан назарда тутилган ўз мажбуриятларининг бузилиши бўйича жавобгарликка эга бўлади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Қилишув ва мазкур Тартибга мувофиқ жавобгар бўладилар

7.2. Шартнома Мижознинг аризасига кўра, ёки Мижоз томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда Банкнинг талаби билан қабул қилинган суд қарорига кўра, ёки амалдаги қонунчилик ва Келишувда назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор қиингунга ёки тўхтатилгунга қадар амал қилади.

7.3. Шартнома Мижоз томонидан унга банк хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ барча тўловлар амалга оширилганидан кейин исталган вақтда ўрнатилган тартибда бекор қилиниши мумкин.

7.4. Шартнома бекор қилинганда ёки тўхтатилганда, Томонлар ўз мажбуриятлари бўйича мавжуд ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга мажбурлар, агар шундай мажбуриятлар мавжуд бўлса.

7.5. Шартнома билан боғлиқ низолар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал этилади. Агар музокаралар орқали низоларни ҳал этиш имкони бўлмаганда, низолар Келишувда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.6. Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу Тартиб билан назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Келишув асосида тартибга солинади.

**«Мустақил инкассация»
хизматини тақдим этиш Тартибига
1-сон Илова**

**«Мустақил инкассация»хизматини тақдим этиш Шартларига қўшилиш бўйича
Ариза**

Корхона номи	_____
	Юридик шахснинг тўлиқ номи (якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.Ш.)
ИНН/ПИНФЛ	_____
	(ташкilotи СТИР / якка тартибдаги тадбиркор ЖШШИР)
Юридик манзил:	_____
Ҳақиқатдаги манзили:	_____
Рабар Ф.И.Ш.	_____
Раҳбарнинг алоқа телефони	_____

Ушбу билан, Мижоз «Мустақил инкассация» хизматини тақдим этиш Шартларига қўшилади ва қуйидагилар билан танишганлигини, уларнинг матнини (мазмунини) тушунишини тасдиқлайди,:

- Банк Тарифлари, «Мустақил инкассация» хизматини тақдим этиш Шартлари;
- «Мустақил инкассация» хизмати фойдаланувчилари учун йўриқнома.
- Тарифами Банка, Условиями предоставления услуги «Мустақил инкассация»;

Уларга ўз розилигини билдиради, уларни ижро қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва

Кейинчалик «Капиталбанк» АТБнинг _____ филиалидаги

қуйидаги ҳисобвараққа кирим қилиш учун

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

«Капиталбанк» Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш курилмалари орқали нақд пул маблағларини қуйидаги мақсаддаги касса симболи бўйича қабул қилинишини сўрайди:

- ☐ 01/00 – Якка тартибдаги тадбиркорлар савдо тушуми;
- ☐ 02/00 – Истеъмол товарлари реализация бўйича тушумлар;
- ☐ 04/00 – Умумий овқатланиш корхоналаридан тушумлар;
- ☐ 05/01 – Авиабилетлар реализациядан тушумлар;
- ☐ 05/02 – Темирўл билетлари реализациядан тушумлар;
- ☐ 07/00 – Телефон хизматларидан тушумлар;
- ☐ 09/00 – Томоша ташкилотларидан тушумлар;
- ☐ 11/00 – Маиший хизмат, медицина ва бошқа хизматлар соҳаларидан тушумлар;
- ☐ 11/01 – Маиший ва бошқа хизматлар соҳаларидан тушумлар;
- ☐ 11/02 – Тиббиет (медицина) ва соғломлаштириш соҳаларидан тушумлар;
- ☐ 14/00 – Муқобил хизматни ўташ, мактаблар, ўқув муассасалари ва пулли курсларда таълим учун тушумлар;
- ☒ 32/00 – Бошқа тушумлар.

Сана:
ЭРИ имзоси:



Мустақил инкассацияни амалга оширишда Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш
қурилмасидаги носозлик тўғрисида
АРИЗА

МИЖОЗНИНГ ТўЛИҚ НОМИ

(Ташкилот номи/ ЯТТ фамилия,исми, шарифи (тўлиқ))

СТИР:

(9 символов для юридического лица)

ЖШШИР:

(14 символов)

Мустақил инкассация
коди:

ОПЕРАЦИЯ Тўғрисида МАълумот

Операция амалга оширилган АТМ (банкомат) рақами ва манзили:

Рақами:

Манзили:

Операцияни амалга
ошириш вақти ва санаси:

:

«__» _____ 20__ йил

Операция суммаси:

(сумма рақам ва сўз билан)

Ташкилотнинг Банк
ҳисобварағи:

(Кириш амалга ошириладиган Банк ҳисобварағи)

Муаммонинг тавсифи:

МИЖОЗ _____

юридик шахс учун – ловозими, Ф.И.Ш. /
якка тартибдаги тадбиркор учун – Ф.И.Ш.

(имзо) / _____ /
М.Ў.

«__» _____ 20__ йил.